

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**397** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 9 июлдаги ПФ–4451-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 9 июлдаги ПФ–4451-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 23 август,  
251-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 23 августдаги 251-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 27-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарорига илованинг «Қишлоқлар, шаҳарчалар, овуллар фуқаролар йиғинлари» бўлимига ҳамда «Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари» бўлимига қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»;

«Маҳалла посбони» раҳбари».